

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

Huquq

Mustaqillik huquq demakdir



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqsa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2014-yil 9-yanvar, №2 (887)

Куролли Кучлар – юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг кафолатидир

Ҳадемай юртимизда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни улкан тантаналар билан ишонланади. Мустақили тараққиётимиз тарихида энг ёркун саҳифалардан бири бўлган миллий армиямиз ташкил топган кун нафақат ҳарбий хизматчила, балки Қуролли Кучлар сафида муқаддас бурчни ўтаб қайтган ва хизматта боришига шайланётган минг-минглаб мара, навқирон фарзандларнинг, умуман ҳалқимизнинг нуғузли байрамларидан бирига айланиб улгурди.



Таъкидлаш жоизи, Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш унинг ҳуқуқий асосини яратиш билан чамбарча боғлиқид. Шу нутқат назардан, ўтган киска давр мобайнида мамлакатимизда ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар билан боғлик стратегик максадларга эришишининг мухим ҳуқуқий пойдевори бунёд этилди. Энг аввало, Конституциямизда Ўзбекистон Рес-

публикасини химоя қилиши – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлиги белгилаб қўйилди. Колаверса, Асосий Конунимиздаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, республика аҳолисининг осуду ҳәтира ва хавфсизлигини таъминлаш масадидга ташкил этилиши мустаҳкамланди.

Малтумки, 1991 йилнинг 31 августидаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида" ги Конун қабул қилиниб, мазкур мухим ҳужжат ёш республикасида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳукукни берди. Ушбу Конун, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида" ги баёнот милий Қуролли Куч-

ларимизни тузишимиз, шакллантиришимиз, ривожлантиришимиз учун ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қилди.

Бу йўналишдаги эзгу ҳаркатларга Юртбошиимизнинг 1991 йилнинг 6 сентябридаги Мудофаа ишлари вазirligini ташкил этиш тўғрисидаги Фармони билан пойдевор кўйилди.

1992 йилнинг 14 январида Республика Олий Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув мусасалари тўғрисида" ги Карорининг қабул қилиниши тарихий аҳамиятига эга будди. Бунга кўра, мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар республика тасарруfiga олини. 1993 йилнинг 23 дебабрида эса Олий Кенгашининг навбатдаги карори билан 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни сифатида нишонланниш белгиланди.

Мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида Қуролли Кучларимизда ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилиб, "Мудофаа тўғрисида" ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий ҳизмат тўғрисида" ги, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги ҳизмат тўғрисида" ги, "Фуқаро мухофазаси тўғрисида" ги, "Терроризмга карши кураш тўғрисида" ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида" ги Конунлар ва "Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси" қабул қилиниши мамлакатда тичлик ва осоишталикини таъминлашнинг ягона ва яхлит тизими ишлаб

Шуҳрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг ўринбосари –
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокурори, генерал-майор

туришига мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Шунингдек, Қуролли Кучларимиз учун мухим аҳамият касб этган яна бир ҳужжат Президентимизнинг 2006 йил 14 январдаги Карори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида" ги Низом ҳисобланади. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ва шартнома асосида ҳарбий хизматга қаҳириш, қабул қилиши, танлаб олиши, заҳираға бўшатиш, фуқароларимизнинг ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган жаҳарандарда юзага келдиган ижтимоий муносабатларни тартиби солишига асос бўлиб ҳизмат белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шартшароитларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги, "Терроризмга карши кураш тўғрисида" ги Фармони Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматни ўташ шартшароитларни, кўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий ҳамда сафарбарлик жihatдан тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилганни билан Гоятда аҳамиятилди.

/Давоми 4-бетда/

Тегишли тавсиялар берилди

Мамлакатимизда амалга оширилаётган судхуқу тизимини либераллаштириша асосий эътибор инсоннаварарлик ва бағрикенглик таъмилиларига қаратилмоқда.

Бу борада жамият ҳаётининг энг улуғ саналаридан бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан амнистия актининг эълон қилиниши ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши тўғри йўлдан адашиб, эҳтиётсизлик туфайли жиноят қўчасига кириб қолган фуқароларимиз учун мухим аҳамият қасб этилоқда.

Андижон вилоят прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2013 йил 12 дебабрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганингни ўйгирма бир йилини муносабати билан амнистия тўғрисида" ги Карорининг ижросини таъминлашга бағишиланган йигилиш бўлиб ўтди.

Муҳаммадисломиддин АҲМАДЖОНОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Йигилишда амнистия акти тўғрисидаги Карорининг кўлланилиши устидан жамоатчилик назоратни ҳамда уни кўллаш тартиб-тамоилиларининг ошкоралигини таъминлаш мухим мунасабадардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда амнистия акти ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш борасиди судлар, ҳукукни мухофаза қиливчи органлар ва мутасадди идоралар ўртасида ҳамкорликни янада қуайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Йигилиш якунида мутасадди идоралар томонидан амнистия акти ижросини таъминлаш борасидаги ишларни ўз вактида, самарали ва ушоқлик билан амнистия тўғрисида" ги Карорининг ижросини таъминлашга бағишиланган йигилиш бўлиб чиқилди.

Обуна – 2014

2014 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси
Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз
бўлиб қолади. Газетамизга
«Матбуот тарқатувчи» АҚ ва барча
почта алоқаси бўлимларида
обуна бўлишингиз мумкин.



Куролли Күчлар – юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг кафолатидир

/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

2012 йил 11 сентябрда ўзбекистон Республикасининг Конуни билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг Ташики сиёсий фолиояти концепцияси" да мустақил давлатмизнинг халқаро муносабатлардаги сиёсий-хуқуқий позицияни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра "Ўзбекистон тинчликсевор сиёсаткоридати ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлардан тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тадирда, улардан чишкин хуқуқини саклаб қолади. Ўзбекистон Республикаси кўшини давлатлардаги куролли мажораларга ва кескинлик учоқчиларига тортилишининг олдинги олиш юзасидан сиёсий, иктисолиди ва бошقا чора-тадбирларни кўради, шунингдед, ўз худудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл кўймайди".

2013 йил 20 декабрь кунги
Ўзбекистон Республикаси фу-
кароларининг муддатли ҳар-
бий хизматга навбатдаги чаки-
руви ҳамда белгиланган хиз-
мат муддатларини ўтаб бўлган
ҳарбий хизматчиларни Қуроли
Куҷаларрезервига бушташи
тўғрисиди” ги Ўзбекистон Рес-
публикаси Президентининг
Карори ҳамда Ўзбекистон Рес-
публикасининг “Умумий ҳарбий
мажбурият ва ҳарбий хизмат
тўғрисида” ги Конволю ижроси
хозирги кунда Ўзбекистон Рес-
публикаси Ҳарбий прокурату-
раси органлари томонидан
муназам равишда ўрганиб бо-
рилмоқда. Ўтказиладиган тек-
ширишларда асосий эътибор
вилоят йигув пункти ва туман
(шахар) ҷаҳирия участкалариди
бинонинчи номидаги мадди-

A black and white photograph showing three young men in military-style uniforms, possibly cadets, seated at a table. They are all wearing dark uniforms with insignia on the shoulders and chest. The man in the center has a name tag that appears to read "OULI". The man on the right has a name tag that appears to read "B(III) Rm". All three are looking down at their open notebooks, which they are holding with both hands and writing in. The background is a plain, light-colored wall.

прокурор назорати ҳужжатла-
ри күлланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Каримовинг
2012 йил 31 май куниги
“Ўзбекистон Республикаси
Куроли Кучлари сафида муддатли
даҳарбий хизматни ўтаб-
бўлган фуқароларга имтиёзлар
тозимини таомиллаштиришга
оид кўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги Қарорига асоссан
Куроли Кучлар сафида муддатли
даҳарбий хизматни ўтаб-
бўлган, даҳарбий қисмлар кўмон-
донлигингин тегиси тасвир
номаларини олган фуқаролар
барча йўналишлар ва мураккаб
сисликлар бўйича республика-
нинг олий таъым мусассасали-
рининг бақалавирият йўналиши-
га кириш имтихонларида тўла-
шоз лозим бўлган максимални
баллнинг 27 фоизи миқдори
да кўшимча балл шаклидаги
имтиёзга эга бўйдилар. Куроли
Кучлар қисмлари ва бўйин-
маларида муддатли даҳарбий
хизматни ўтаб бўлган даҳарбий
хизматчиарга республика-
лий ўқув юртларида кириши
учун тасвирномалари берилса-
тегисида тартиб ўрнатиш, шун-
нингдек, уларга берилаштган
имтиёзларнинг рағбатланти-
рувчи омилларини кучайти-
ришдек эзгу мақсадларга йў-
налирилган маскур мухим күх-
жат эртамис давомчилари
бўлган ёшларга эътиборнинг
узвий давоми бўлиб хизмат-
килмоқда.

Куролли Күчларимизда олиб борилғанда исполнитель-нинг энг муҳим амалият натижаси, хеч шубҳасиз, армиядаги алхолик рұхий, маънави мұхиттинг бутунлай янғыланғанды яқшо намоён бўлумкода. Эндилиқда Куролли Күчлар сафида хизмат килиш Узбекистон фуқароси учун нафакат конституцияйвич бурч, айни чогдан мамлакатимиздаги энг нурабади касбийлардан биригина айланып.

ли қасиболардан бирін айланади.

Ўзбекистан Республикасы Конституцияси ва барча қонун жүхжатларыда ёш авлоднинг ижтимоий шаклларини өзгөткізу, қамол топши, хукук манфаатларини кафолатлаш учун шарт-шароитларни яратып, давлат фаолиятынинг устуворлығында үйнәлиши экзекутив белгиліліктердің күйдегендегі бүрчтіктердің мүмкіннен

Шу жумладан, Ўзбекистон

камасининг 2008 йил 17 октябрдаги "Мехрибонлик уй түгрисидаги низомни тасдиқлаш хакида"ги Каорида меҳрибонлик уйлари фаолиятини токомиллаштириш, ота-оналар қаровисиз колган болаларнинг ижтимоий-психологик реабилитациясини ва ҳукукий ҳимоси килинишини таъминлаш, улар да ижтимоий меҳнатни ҳосил килиш ва жамиятга уйғунлашуvida кўмаклашиш каби масалаларга алоҳидаги ургу берилган

Республика Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан ҳам мазкур йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жойлардаги меҳрибонлик уйларига мунтазам равишда ташриф буюриб, тарбияланувчиларга Президентимиз ғоялари асосида амалга оширилаётган ҳарбий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти тушиунирларни да. Шунингдек, улар ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун ярилатилган шартшароитлар, имтиёзлар билан ҳам таниширилаёт. Ёш аводдин ватанпарварлик руҳидатлар тарбиялаш, хукуқий онги ва маданиятини ривожлантириш масксадида мазкур болалар мусассасаларида ҳарбий ватанпарварлик "хоналари ёки бурчаклари ташкил килинган". Хозирда бундай ҳарбий ватанпарварлик "хоналари тарбияланувчиларнинг тўлиқ ва муқаммал билим олишларини учун ҳарбий округ кўмандонларини билан ҳамкорликда зарур адабиёт ва кўргазмали воситалар билан таъминланган.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини уларнин кобилиятлари хамда кизишилдигида караб мамлакатимиздан фоалият күрсатшаган жардымчи академик лицей да олай харбий таълим мусасасалари фоалият билан яқиндан танишириш мақсадида Республика Харбий прокуратураси органдары ходимларни томонидан давлат мукофотига сазовор бўлган харбий хизматчиларни жалбигилган холда давра сухбатлаштири, учрашувлар хамда ўкув амалий семинар машгулотларига

Бугун мамлакатимизда рўй берадиган кенг кўламли ўзга-ришлар халқимизнинг турмуш

риш, уларнинг эзгу мақсадла-
рини рӯёбга чиқаришга қара-
тилганлиги билан аҳамиятли-
дир.

Бундай улугвэр ниятларда амалга оширилэгтэн сайдын хараатлар, Президентимизийн таабиры билан айтганды, "Исламохтот — ислохтот учун эмас, авалоо, инсон учун" экзанлигигээ хар биримиз гувох бүлбүл турибимиз. Юртимизда 2014 йил-нинг "Софлом бола ийни" дебономланиши хам келжак авалодга давлатимиз томонидан берилэгтэн катта эзтийор на мунасидир.

Юртимизада "Мустакиллик" "Амир Темур", "Жалолиддин Мангуберди" орденлари, "Жасорат", "Содик хизматларга учун" каби медаллар тасиси этилган бўлиб, улар давлати мизнинг мудофаа курдатининг янада юксалтиришга катта хисса кўшатётган ҳарбийларни миз хизматини қадрлашга, эл юрт тақдирига дахлорларни.

маркалари ташкиллаштирилиб, ҳарбий хизматчиларнинг ишга кириш хоҳиши бўлган оила аъзоларидан 288 нафари иш билан таъминланди.

Глобаллашув жаҳарни шиддатли тус олаётган бутунги шароитда мамлакатимиз хаф-сизлигини, ҳалқимизнинг тинчлигига ва осойиштагилига тавмилаш долзарб аҳамият касб этилоқда. Дунёнинг турили миintaқаларида давом этाओётган урушлар, ҳарбий қарама-қаршиликлар ва мозхаролар, турли терроризм хуружлари халқаро хафвасизликка жийдид таҳтид киләёттани, ҳеч биримизга сир эмас. Мамлакатимиз осойиштагилига раҳна солиши мумкин бўйган ана шундай хаф-хатарларни ҳар томондан ма угрганиб таҳлил этиш асосида Куролмай Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-кудратини юксалтиришга қаратилган эътибор ўзининг улкан самарапарини бермόдада.

Ўзбекистон Республикаси
Харбий прокуратураси органлари томонидан амалга оширилаётган амалий ишлар натижасида ўтган йилларда Куролли Кучларниизда харбий интизом мустахкамланышига эришиш билан бир каторда харбий хизматни ўтәётган харбий хизматчиликнинг хукукий онги ва маданиятини янада юксалтириш, уларнинг хукукий тарбияси борасида кенг миқёдаги ижобий ишлар амалга оширилиб, Куролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлашга эришилмоқда.

Жумлападан, утган 2013 йил мобайнида жами 9215 маротаба қонунчилик тартиби тадбирлари ўтказилди. Мазкур тартибот тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хаф滋生ли масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Республика Маънавияти тартибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура имилъ-амалий маркази вакилилари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

2013 йыл 6 декабры куни
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Каримов
бир гурӯҳ юртдошларимизга
Ватанимизнинг юқсан муко-
фотларини топшириш пайти-
да "Тақдирланганлар" каторими-
да ҳалқимизнинг тинч меҳна-
тини, осойишта ҳаётини кўз

корачиғидек асрашга бел бөлгөн, Ватан химиясын зүйн үчүн касб деб биладын мarda жасур ўғлонларимизнинг маъсувияти хизматини алоҳида эътироф этамиз, юксак қадрлаймиз", дейя таъкидлаганлари барча ҳарбий хизматчи-ларимизга қаратилган чукур хурмат ва эътиром, юксак эътироф ба ишонч намунасиидер. Албатта, шуда фикрлар миллий армиямиз сафида хизмат килаётган ҳар бир инсонга озод ва обод Ватанимиз тинчлигини саклаш, фаронволигини ошириш, ҳалкимизни ишончли химоя килиш ва Куропол Кучаларимиз жанговар қудратини янада юксалтиришда, мукаддас бурчларини шараф билан бажарыща янада күч ва гай



Ватанни сев, тупроғини ўп...

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ МАКТАБЫ

Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносабиб ўринга эга бўлиши ва тараққий этишида, ҳалқимизнинг орузумидлари ушалишида тинчлик ва осойишталикинг ўрни бекиёс. Шу маънода истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллӣ армиямизда амалга оширилган кенг қарори ослиҳотлар натижасида замонавий, юртимиз ҳавфисизлигини, сарҳадларимизда дахлизилигини таъминлайдиган, осуда ҳайтимизнинг химоясига кодир, тезкор, ихам, профессионал армия шакллантириди.

Жисмоний соғлом, чукур билимга: юксак салоҳияти ёшлини ҳарбий хизматга саралаб олиш тартиби ҳорий этилиб, муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қискартирилди. Ҳарбий хизматга чакирав аввалидаги бир йилда иккى марта эмас, балки бир марта амалга ошириладиган бўлди. Намунали хизмат қилган, техник ва тактик тайёргарликка эга аскарлар кўмандонликинг олий ўкув юртларига ўқишига киришда имтиёз берадиган тавсияномаларини олмоқдалар.

Соҳага алоҳида эътибор қаратиладиганлиги натижасида ёшларимизда юртимиз тинчлиги, ҳалқимизнинг осойишта тумуш кечириши, Ватан химояси учун масъуллик тўйғуси тобора кучмокда. Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки том маънода шоншараф ишига, Юртшомисин таъкидлаганларидек, "... армия хизмати том маънода мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабига айланмоқда".

ОНAM ДЕБ, ОРИМ ДЕБ КАСАМЁД ҚИЛДИМ...

Қўшимизнинг ўғли Умаржон кўз ўнгимизда ўсиб-улгайди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, йигитлик бурчини адо этиш учун ҳарбий хизматга отланди. Ҳарбий ҳаво кучлари кўшини сафида хизмат қилиб, намунали ҳуқуқ, юксак маънавий-руҳий тайёргарлиги, назарий ва амалий машгулотларда фаол иштирок этганини учун кўмандонликинг олий ўкув юр-

тига имтиёзли кириш учун тавсияномасини олишига муваффак бўлди. У Тошкент ахборот-технологиялари универсitetining иктисадёт факультетига хужжат топшириб, энг юори — 248 балл тўплаб ўқишига кирди. Айни пайтда Умаржон Исимолов мазкур университетнинг 4-курсида таҳсил олмоқда.

Умаржоннинг отаси Сарваржон ва онаси Марҳабоҳонлар билан Фарзандтарбияси, айниска, ўғил болаларни Ватанга содик қилиб vogяя етказиши хакида сұхбатлабиши ўтирганимизда Марҳабоҳон даст ўрнидан турди-ю, китоб жавонидаги китоблар орасидан бир конвертни олиб, менга туздади. Конвертни очиб, ундан мактубга кўз ўтиргутириди. Умаржоннинг ҳарбий хизматдатлар пайтида қасамёд кабул килгача, онасига ёзган мактуби экан. Унда, кумладан, шундай дейилган:

"Онахон, Ватан остононадан бошланиди, дейишиади. Унда Ватанни севиш нимадан бошланади? Одамларни ўз юртига муҳабатини қандай билса бўлади? Бу пар азалий ва абадий жумбоклар аслида. Оданожон, менимча, Ватан оила остононадан бошланса, юртни севиш, аввало, унда ўғсан ҳар бир гўйҳини, дөв-дараҳти асрар-авайлардан намоён бўлади. Чунки, заминдан кўкариб чиққан ҳар бир гиёҳ Ватан туроги зарраларни бошида кўтариб турди. Уғларга туташган қирлар бағрини тўйдирб чайталган лолакизгал доқлар илдизларида ҳам, кун тушмас ховли девори бурчакларида қисиниб-қимтиниб бўш кўтарган маҳсоласи майса томирларида ҳам Ватан яшади.

Шунинг учун одамзот азал-азалдан аждодларни руҳини, улар колдирган меросни муқаддас билиб асрайди. Чунки, улар бугуннинг одамларини, келгуси авлодларни тутиб турадиган мустаҳкам таянчидир. Гиёҳлар ва дараҳтлар ўз таянчидиздан ажралса, шу заҳоти нобуд бўлади. Одамлар ҳам аждодларни руҳини унтуса, улар колдирган мероси бефарқ бўлса, ўз таянчини барбод килиди. Аждодлардан авлодларга эса Ватан энг буюк мерос бўлиб қолди. Ота-боболар фарзандларига юрт тупроғини кўз қорачигидай асрарни васитият килидилар. Шунинг учун мамлакат осойишталигини саклаш ишига муносабат одамнинг Вата-

нига меҳри қай даражада эканлигидан далолат беради.

Онахон, мен бугун йигитлик бурчими ни адо этиш учун Ватанга қасамёд қилдим. Мактубимнинг шоироналиги, балки ҳаяжон тасиридандиндер, балки таникли журналист, яхши ижодкор бўлган бобом Умаржон Исимоловдаги иктидор менга ҳам кон(ген)дан ўтган. Балки дадам билан ўйлашиб-кенгашиб менга бобомнинг исмими кўйганинг бежиз эмасdir. Болалигимда ёдлаганинг мана бу шевъда менинг ҳозирги ҳолатим, қалб кечин-маларим ифодалангандайдир гўё:

Онахон, деб, орим деб
қасамёд қилдим,
Ватаним, борим деб
қасамёд қилдим,
Хурлигим, шоним деб
қасамёд қилдим,
Ийитлик камарин боғладим, она,
Умримни мардликка чоғладим, она!"

БУРЧНИ АНГЛАШ ТҮЙҒУСИ...

Биз мустақиллик ҳақида, уни асрар-авайлаш хусусида гапирганимизда ҳар доим армияни тилга оламиз. Куролли Кучларимизнинг курдати ва хушёргилини ошириш ҳақида тўхтала-миз. Нега? Чунки, Президентимиз таъбирилар билан айттанди, мустақиллик, бу — энг аввало ҳуқуқидир. Янын отабобларимизнинг асрар ору-имдияни рўёбига чиқариш, ўзимиз истаган тарзда ҳаёт кечириш, ҳеч кимга қарамав тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир. Юкорида таъкидлаганимиздайди, бу ҳуқуқи ишончли тарзда химоя қила-диган ўз Куролли Кучларимизни шаклантirdи.

Лекин дунё чайқалиб турибди. Курра заминда нотинчилек, даҳшатли тероррор ва унинг фохеали оқибатлари минг-минглаб инсонлар ҳаётига ҳафъ солмояди. Янги йил байрами арафасида Россия Федерациясининг Волгоград шахри темир ўйлардан таъкидлаганимиздайди, бу ҳуқуқи ишончли тарзда химоя қила-диган ўз Куролли Кучларимизни шаклантirdi.

Ўзглар ерини босиб олиш, талашниятидаги шайтонга қавм ёвуз күчлар Ер юзида бор экан, Широк, Тумарис, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби улуғ Ва-

тан химоячилари яшаб ўтган юрт дахл-сизлигини саклаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчими эканлигини бир зум бўлса-да, унтишига ҳақимиз ўйк.

— Бурчни англаш тўйғуси Ватан бошланадиган жой — остановдан ул-файб боради, — дейди таникли ёзувчи Неъмат Арслон. — Остона — оиласлар учун дунёга дарича. Олам занжирининг олтин ҳалқаси бўлмиш оиласда фарзандлар воғига етади. Үғил-қизлари баркамол улгайлан юрт дахлзиз бўлади. Чунки, Ватанига муҳабати баланд инсонлар юртига ҳеч бир ёв ҳукум қилишига журъат столмайди. Зотан, одамлар муҳабати бекиёс қалон бўлиб ҳамиши юртни оғатлардан асрар келади.

— Аждодлари ўтган масканга, ўзи туғилиб-ўтган юрт таъкидира бефарқ одам ўйк дунёда, — дейи сизди давом этади Неъмат ака. — Аммо туғилган юртига боғланинг мустаҳкамлиги жиҳатидан Туронзамин одамларига таҳсис айтсан арзайди. Чунки, бу замин фарзандлари жаҳоннинг ҳақида бурчагига йўл олиша, у ерга ўз ўлкалси номини ва унинг бир сиким тупроги тафтими юрагига жо этиб боришиди. Ҳаҳон им-фани ва маданияти ривожига улкан хисса кўшган қанчадан-қанча буюк алломаларимиз ўзлари таваллуд толған Ҳоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Шарисабз ва Қарши каби қадимий шаҳарларимизнинг номларини ҳам дунёга танитгандар ва шу юртнинг табарук тупроги, туғилган масканинг улуғвор номи уларнинг қалбини доимо кувватлантириб турган.

Ха, қўхна тарихнинг ҳар саҳифасидан Ватанин ардоқлашга, асрарда давлат жаҳарнгайди. Унинг садолари "Ватанни сев, тупроғини ўп! Унинг ҳар қаричи муқаддас, азиз сенга", дей огоҳ қилади. Шундай экан, мамлакатимиз тинчлиги, ҳалқимиз осойишталигини таъминлаш нафақат ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, балки ҳар биримизнинг муқаддас бурчими эканлигини ҳеч қаҷон унтулмайлик!

Нукус гарнizonida Vatan ҳимоячилари куни муносабati билан Очи ҳашқilar куни ўтказили.

Мардлар қўриқлайди Ватани

Бердак номидаги қоракалпоқ давлат универсиети табалабар, Мудофаа кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг ўкув курслари тингловчилири, касбхунар коллежи ва академик лицей ўқувчилири иштирок этган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилалётган туб ислогоҳтари сафарасида ҳалқимизнинг тинч-осуда ҳаётини, сарҳадларимиз дахлизилигини таъминлашга қодир замонавий ва профессионал миллӣ армиямиз шакллангани таъкидланди.

Тадбир иштироқчилари ҳарбийлар ҳаёти, уларга яратилалётган шарт-шароитида бериладиган имтиёзлар билан яқиндан танишиб, миллӣ армиямизнинг бугунги салоҳияти ҳақида ба-тағасил маълумотта эга бўлдилар.

Тадбирда ёшларни қизиқтирган барча саволларга ҳарбий мутахassislar томонидан батафсил жавоб қайtarildi.

Ҳарбийлар ва ёшлар учрашуви

Тошкент вилоятида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 22 йиллиги олидан учрашув бўлиб ўтди.

Кенг жамоатчилик ва-киллари, ҳарбийлар ва ёшлар иштирок этган ушбу тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилалётган ислогоҳтари, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 31 майдаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафифа муддатли ҳарбий хиз-

матни ўтбўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришига оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисиди" Гиҳори ижросини таъминлаш борасида килинаётган ишлар хосусида сўз юритиди.

Тадбир иштироқчилари мазкур ҳарбий қисмida Ватан ҳимоячилари учун яратилган шарт-шароит билан танишидилар.

Бундай учрашув ва сұхбатларда ёшларимизга Президентимизнинг "Миллӣ армиямиз" — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" рисолоси ва бошқа асрарларининг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлар, Ватанга ва истиқлолға яхшига қарашадиганларидан, ҳар биримизнинг муқаддас бурчими эканлигини таъминлашадиганларидан.

Ўз мухбиримиз

Яширин арок цехлари фош бўлди

Спирти ичимликлар инсон саломатлиги учун кони зарарлар. Ўғри мол ўғирласа, ич-килик секин-аста жон ўғирлайди. Унга ружу қўйган инсоннинг ҳәти қанчалик тубанинка юз тутиши ҳәтта кўп бор кузатилган. Шундоқ ҳам инсон соғимига салбий таъсир этувчи алкоголь маҳсулотларининг қўлбоба усула тайёрланганни ушбу "зорманда"ни исчезмай қўйувчилар саломатлигига бир неча баробар кўпроқ энён етказади.

Aфуски, орамизда шундай кимсалар ҳам борки, улар учун бошқаларнинг ҳәти ва тақдирни заррачалик аҳамиятга эга эмас. Улар ҳар қандай гаразли йўл билан бўлса-да, чўнганини қаплайтиришини ўйлайдилар. Бундай тоифадаги кимсалар сағига шахрисабзли Ихтиёр Муртазаев, чирокчилик Акмал Фармонов ва Рўзимурод Туриевларни ҳам кўшиш мумкин. Улар инсон саломатлиги учун зарарли бўлган, иштевмолга яроқсиз алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шугулланиб келишган. Қалобликда устомон бўлган ҳамтоворлар ишлаб чиқарган "товар"лар харидорига бўлиши учун қалбаки акиз маркалар тайёрлашни ҳам йўлга кўйишиади. И.Муртазаев ва А.Фармонов шериклари Ихтиёр ва Собир исмли шахслар билан жиной тил бириттириб, кўлбоба усула тайёрланган спирти ичимликларни Китоб, Якабог ва Чироқчи туманларида муомалага киритиб, қингир йўл билан мўйм даромад тошишдек нопок ишга кўн урадилар.

Кўза кунда эмас, куниди синади, деб бежизга айтишмаган. Хуқуки муҳофоза қўлувчи органдар томонидан Чироқчи туманида ўтказилган тадбирда А.Фармонов харидор К.Боймуродовга 100 шиша "Оригинал", 700 шиша "Зелёный город" ёрлиги ёпиширилган арокни 4 млн. 800 минг сўмга сотаётган пайтада кўлга олинбун, ундан жами 800 шиша иштевмолга яроқсиз маҳсулот ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. Ушбу спирти ичимликлар ишлаб чиқарилган манзилни аниқлаш максадида олиб борилган тезкор тадбир натижасида гумон қилинган шах – Шахрисабз шахрида яшови И.Муртазаевнинг уйи кўздан кечирилди ва у яширин цех ташкил этганлиги маънуб бўлди. И.Муртазаев Қозигистон Республикасида ишлаб чиқарилган, иштевмолга яроқсиз этил спиртидан тайёрланган арокни сиғими 0,5 ва 0,45 литрли шиша идишларга кўйиб,

Файрат АЛИКУЛОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Чироқчи туман бўлими бошлиғи

уларга "Шахрисабз вино-арок" ОАЖнинг "Оригинал" ва "Зелёный город" ароклари ёрликларини елимлаб, тайёр бўлган маҳсулотни 12 донадан полизтилен плёнкага жойлаш, шериклари А.Фармонов ва бошқалар ёрдамида сотиш билан шугулланниб келганини аниқланди.

Хонадандан шунингдек, кўлбоба усула тайёрланган 756 шиша арок, 75 литр этил спирти, 944 дона соҳта акизи маркаси, 252 дона копқок, 367 дона капсула, турил маркадаги елимлар, шиша идишлар қопқогини маҳкамлашга мўлжалланган ускуна ва бошқа мосламалар, жами қўймати 6 млн. 113 минг 500 сўмлик ашёвий далиллар топилиб, олиб кўйилди.

Шунингдек, ўтказилган тезкор тадбир натижасида Чироқчи тумани Хўжаабдигъабор кишилогоғида яшовчи Рўзимурод Туриевнинг ана шундай "тадбиркорлиги"га чек кўйилди. Унинг уйи ва ёрдамчи хоналари кўздан кечирилганда 340 шиша иштевмолга яроқсиз арок, 2491 дона акизи маркаси, Қозигистон Республикасида ишлаб чиқарилган, 1,5 литр ҳажмадаги елим идишларга қадолланган 512,5 литр спирт, 2491 дона копқок, 5600 дона "Оригинал" ва "Зелёный город" ароби ёрлиги, ушбу юлларга сана балгисини кўйишига мўлжалланган штамт, шиша идиш қопқогини ёпишига мўлжалланган мослама, 1100 дона капсула, 120 дона буш шиша, жами 24 турдаги арок ишлаб чиқаришга мўлжалланган ашёлар борлиги аниқланди.

Этил спирти ва кўлбоба усула тайёрланган алкоголь маҳсулотларидан олинган намуналар Шахрисабз тумани ДСЭН маркази мутахассислари томонидан текширудан ўтказилганда ушбу маҳсулотлар иштевмолга мутлако яроқсиз эканлиги маълум бўлди.

Қўлиши – қидирмиш, дейдилар. Ўзгаларнинг соғигини ўйламасдан, факат мўйм даромад тошип пайдиа бўлганлар кимлишиларига яраша жазоларини олиши. Жиноят ишлари бўйича Миришор туман судида И.Муртазаев, А.Фармонов ва Р.Туриевнинг кўлбоба алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлики жиной хатти-ҳаракатлари кўриб чиқиди. Суд ҳукмига кўра, И.Муртазаевга 6 йил, А.Фармонов ва Р.Туриевга нисбатан эса 3 йил озодликдан маҳрум этиши жазоси тайинланди.

Департаментнинг Конимех туман бўлими ходимлари навбатдаги корхонада текширув ўтказиш пайтида раҳбарнинг "удабурон"лигига "қойил қолиши". Маълум бўлишича, 2009 йилдан Конимех тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган "Azinterwool" масъулияти чекланган жамиятда директор вазифасида ишлаб келган М.Кадиров МЧЖ башхисобчиси А.Вахитова билан жиноят тил бириттириб, аллақанча қонунбузарликларга йўл қўйган экан.

«Удабурон»лиги панд берди

Олимжон ТОШЕВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Конимех туман бўлими
инспектори

Жумладан, МЧЖ то-
монидан 2011 йил
22 декабрда "Агробанк"
ОАТБ Навоий вилоят
бошқармаси худудий филиали
билин 105-сонли кредит
(карз) шартномаси тузилиб,
унга асосан 2012 йилнинг 13
декабрь кунига қадар қайта-
риш шарти билан 1 йил муддатга,
айланма маблагларни тўлдириши максадида 62 млн.
сўм микдорида кредит олини-
ди.

М.Кадиров бу ишни удда-
лагач, кредит маблагини кури-
лиш материаллари сотиб
олиши учун 2011 йилнинг 23 де-
кабрида Навоий вилоят бошқар-
маси худудий филиали ман-
фаатларига 62 млн. сўмлик
моддий зарар етказади.

Мазкур ҳолат юзасидан
"Azinterwool" МЧЖнинг ман-
сабдор шахсларига нисбатан
ЖКнинг тегиши маддаси
билин жиноят иши қўзғатил-
ди.

Дастлабки тергов ҳаракат-
лари давомида М.Кадиров
"Azinterwool" МЧЖнинг дирек-
тори вазифасида ишлаб ке-
либ, жамият башхисобчиси
А.Вахитова билан келишган
холда банк манфаатларига
жиддий зарар етказалнганли-
ди.

Жиноят ишлари бўйича Ко-
нимех туман суди "удабурон"
раҳбарга қилиниши ҳамда тўловлар ўз вақтида тўланишини тавминлаш қаби-
вазифалар бириттирилган. Шу билан бирга, агар иштевмоли томонидан газ-
дан фойдаланишила қондабузарликка йўл қўйилганик ҳолатлари аниқланса, тегиши
тартибида ҳужжат расмийлаштириб, далолатномалар тушиб ва чора
кўриш учун фимал ҳуқуқшуносига ўтказиш ҳам унинг ваколати доирасида эди.

Қалбаки пул операцияси

Нодир МЎМИНОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи

С.Кудратов пулларни томоша қилиб турганида, орқа эшикдан қишло-
доши Ҳудойкулов машинага ўтириди.

— Кайси бирин соҳта? — сўради
ундан С.Кудратов.

— Билмасам, фарқлолмадим.

— Магазинлар олармакин?

— Текширамиз, — деда Ҳудойкулов
пуллардан иккитасини олиб, аллақа-
рга кетди.

Бу орада У.Чориев бошқа машина-
га ўтириб, ўйига кетган эди. Икки-уч
соат ўтиб, қайтиб келган Ҳудойкулов
тўрт баклашкада ўсимлик ёғи ва 220
минг сўм пулни С.Кудратовнинг қў-
лига тутқазди. У бу нарсаларни кеч-
курун У.Чориевнинг ўйига киргизиб
берди. Йўқдан кўра борига курсанд
бўлган У.Чориев, бу пуллар нафакат
ўзининг, балки С.Кудратовнинг ҳам
бошига бало бўлишини ўйламади.

Кўп ўтмай, эй йўк, бе йўк, қалбаки
пулларни ўтказиб, мўйм бойлик орти-
мокчи бўлган У.Чориевнинг ҳам.
С.Кудратовнинг ҳам "еганлари бу-
рунларидан чиқди".

Калбаки пул ўтказиш ижтимоий
хавфли жиноят саналди. Шу боис,
С.Кудратов ва У.Чориевлар Жиноят
кодексининг тегиши маддасига биноан
3 йилдан муддатга озодликдан
маҳрум килиш жазосига тортилди-
лар.

"Самарқандшаҳарз" филиали "Темирйўл" худудий фойдаланиш бўлимига
қарашли дўстлик маҳалласида назоратчи бўлиб фаолият юритувчи Қобил
Қодировнинг зиммасига ахоли томонидан табии газдан фойдаланиш қондала-
рига риоя қилиниши ҳамда тўловлар ўз вақтида тўланишини тавминлаш қаби-
вазифалар бириттирилган. Шу билан бирга, агар иштевмоли томонидан газ-
дан фойдаланишила қондабузарликка йўл қўйилганик ҳолатлари аниқланса, тегиши
тартибида ҳужжат расмийлаштириб, далолатномалар тушиб ва чора
кўриш учун фимал ҳуқуқшуносига ўтказиш ҳам унинг ваколати доирасида эди.

Нафс оввораси

Папасини кўлтиклиб, хизмат
вазифасини бажаришга ки-
ришган Қобил ўзига бирик-
тирилган худуддаги хонадонларни
бира-бир текшира бошлади. Мова-
руннахр кўчасида истикомат қиувл-
чи М.Жўраевнинг хонадонига кириб,
газ хисоблагичнинг ишлаш муддати
ўтиб кетганини билиб колди. Устига-
уста товухонага ҳам печаклар ўрна-
тилган бўлиб, уларга газ хисоблагич-
нинг қуввати етмаслиги маълум
бўлди.

Кобил хисоблаб кўриб, шу пайтагча
1 млн. 200 минг сўм микдорида ортиқча
газ сарфлангани, товухонадаги пе-
чаклар учун янги хисоблагич ўрнати-
шозимлигини айтар экан, газ орасида
агар газ хисоблагични лаборатория-
да мутахассислар текширса, каттаги-
на жарима солисини кириштириб ўти.

— Шуни ўзингиз билан амалласак
бўлмайдими? — илтимос қиди хона-
дига солисини кириштириб ўти.

— Газ ўйк. Далолатномани расмий-
лаштириб турман. 1 млн. 700 минг
сўм берсангиз бўлди...

Шавкат УЗОКОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Самарқанд вилоят бошқармаси
бўлиб бошлиғи

У шу кундан бошлаб бу ўйга сер-
катов бўйи қолди. Бир гал 300 минг
сўм, келаси сафар эса 100 минг сўм
ундирб кетди. Бирок, давлатга тўла-
ниши лозим бўлган бу пуллар унинг
чўнгагига тушар, шу биси ҳали ҳам
кара хисобида колаётган эди. Таби-
йийи, у олган пуллари эвазига кивтан-
ция ҳам бермайди. Вактида тўланиши
қарзлар хисобига ахолининг газ
билин таъминланishiга птуртни
етиши кундек равшан. Ана шу тарафда
биргина қонунбузарлик ортидан
кўпчилик жабр кўриб бораверади.
Охирги марта тараф умидида эшик
коккан Қобил, бу сафар нақд 400 минг
сўм пулни ундириб чиқиб кетаётган-
да кўлга олинди. Шу билан таъмоги
"газчи"нинг қадами қиркилди. Суд
ҳукмига кўра Қобил Қодиров тегиши
жазоси тайинланди.

Кечириш ва имкон бериш

инсон қадр-қимматини кафолатлайди

Мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида муддат амалга оширилмоқда. Буни жиноят қонунчилигини эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар, ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур ислоҳотлар замирада инсонпарварлик ва бағрикенглик тамоили, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечирили бўлиши мақсадининг муррабасиги йил саин яқюқ кўзга ташланмоқда.

Адашиб ёки эҳтиётсизлиги туфайли жиноятга кўл урган инсонларнинг кечирилиб, амнистия туфайли озодликка чиқандаги кувончининг ўзи ҳам юртимида инсон қадри нечогли улугъ эканлигини кўрсатиб турибди. Мазкур ҳужжат нафакат демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг устувор таомилларини, балки ҳалқимиз минг йиллардан бўён асрар-авайлаб келатганд қадрятларнинг, бағрикенглик ва муруват каби олий фазилатларнинг ҳам ёрқин ифодасидир.

2013 йилнинг 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг таҳдимномасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституция-

си қабул қилинганинг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги" Каор қабул қилинди.

Қарорда аёллар, жиноят содир этган вактда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 ёшдан ошган ёркаклар, чет давлат фуқаролари, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки-учча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилингандар, 1-ва 2-гурух ногиронлари, қарор кучга киргунга кадар бир йилдан ошмаган муддат ичда конунда белgilangan тартибида жазони ўташга тўсқинлик килидиган оғир қасалликка чалинган шахсларнинг (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам үлдириш жино-

ятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан одоз қилини белgilанди.

Шунинг билан бир каторда, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган, ўтамлай колган жазо муддати иккни йилу олти ойдан кўнглилган, ҳукми амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинган кунга кадар конуний кучга кирган маҳкумларга ҳамда тақиланган ташкилотлар фоалиятидаги иштироқи, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноят содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, тузиши йўлига қатъ-

ий ўтган шахслар ҳам жазодан одоз қилинади.

Қарорга мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг ўтамлай жазо муддати қискартирилади. Қасдан жиноят содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилингандарнинг ўтамлай жазо муддатини учдан бир қисмига, қасдан жиноят содир эттанлиги учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилингандарнинг ўтамлай жазо муддатини тўртдан бир қисмига қискартириш ҳам қарорда белgilab берилган.

Амнистия тўғрисидаги қарор узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган, ўта хавфли рецидивист, деб топилган, жиноят содир этган, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузэйтган шахсларга, ўлим жазоси афё этиши тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, тузиши йўлига қатъ-

маштирилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди. Шунингдек, қарор мукаддам амнистия акти бўйича жавобгарликдан ёки жазодан озод бўлган, шундан сўнг қасдан жиноят содир этиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган ва ўтамлай колган жазо муддати иккни йилу олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинган кунга қадар конуний кучга кирган маҳкумларга ҳамда тақиланган ташкилотлар фоалиятидаги иштироқи, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга нисбатан кўлланилмайди.

Амнистия прокурорнинг илтимосномаси асосидаги жиноят ишлари бўйича туман (шахар) судлари томонидан кўлланилади.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши эҳтиётсизлик оқибатидаги, ижтимоий ҳавфи учна катта ва оғир бўлмаган жиноят содир этганлар, аёллар, вояж етмагандар, нигоронлар ҳамда кексаларнинг ўз оиласи бағрига қайтишига имконият яратиб, ҳалқимизга хос бағрикенглик, одамийлик, меҳр-муруват каби эзгу хислатларимизни ўзида акс этиради.

Маънавий таҳдидлар

Феруз ТОЖИЕВ,

Навоий вилоят прокуратуроси бўлум бошлиғи

лаштириб бориши ёшларда динга нисбатан соглом муносабатни шаклантаришнинг иккни кутби хисобланади.

Ҳаёт суръатларнинг беқиёс даражада теззашви кузатилётган шароитда инсон маънавиятига қарши қаратилган, бир қарашда арзимас бўлуб туюладиган кичинка хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини њен нарса билан коплаб бўлмайдиган улкан зиён етказилиши мумкин. Диний экстремистик ташкилотлар томонидан олиб борилётган ташкилотлар эса ёшларнинг соҳағоя гладданиб колиши, юрт рандан йўлдиги фаолигидан чалиғиши, жамиятдаги маънавий-рухий мухитнинг бузилишига сабаб бўлишини унутмаслик лозим. Бундан ташари, диний экстремистик ташкилотлар фаолияти, шунингдек, мусулмон бўлмаган мамлакатлар ахолиси ўтасидаги ислоними "евзулк салтанати" ва таҳдид манбаи сифатида қабул қилинишига, "исломофобия"нинг турли кўришилари пайдо бўлишига ҳам замин юратади.

Хозирда ахборот маконининг мухим бўғини бўлган, ёшлар ҳаётининг ажралмас кисмига айланган интернет орқали ҳам турли таҳдидлар кузатилмоқда. Улардан жамиятда тегиши энтихобни фикри шаклантариш ва қардам-қарши (душман) томонга психологик таъсир кўрсатиш, кўркув, вахимга тарқатиш орқали ички иккиланиши кептирдилик чиқаришдек максадлар кўзланади.

Ёш авлод маънавий оламининг дахлисилизиги асараш учун уларни доимо сергаклика, огоҳлика ва хушбулика қаҳириш, бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур йўланган, пухта иммий асосдан ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб берishi мумкин.

Ёшларимизни она Ватанга мухаббат, боти тархимизга, ота-боболаримизнинг мукаддас динга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгда мағурувий иммунитетни кучайтириш борасидаги амалий ишларни янада кучайтириш зарур.

Президентимзотомонидан 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшина мажлисина илгари суриган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янала чуқураштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳот этиши энг мухим вазифалардан бириси сифатида белgilangan.

Ислоҳотларнинг янги босқичи

Дилмурад АКОБИРОВ,

СВОЖДЛЛК департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси матбуот гурухи катта инспектори

курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўйинмалари фаолият курсатиши белgilandi.

Бундан ташари, ошкоралик принципига кўра прокуратора органларининг мамлакат тараққиётни ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти юзасидан жамоатчиликни хабардор қилиш вазифаси ҳам белgilab қўйилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олдида ҳисобдорлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шахарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳаҷл депутатлари тегишил Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши органларига конунийликнини ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисидаги ҳар ийхи ахборот беришларни мустаҳкамланди.

Ривожланган демократик давлатлар таҳрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳокимиётни идоралари, шу жумладан, ҳуқуқни мухофаза күлувчи органлар фаолиятида конунийлик талабларига риоя қилиш ва конун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратора органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизmlарни ўтнадигандаги ҳуҗжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш давр талаби бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг таъсисида ягона давлат сифатини ўтказишига ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишил ваколатларнинг берилши мамлакатимизнинг ҳуқуқни мухофаза күлувчи ва назорат органлари тизимида ўзбекистон Республикаси Бушоро прокуратуроси ҳузурида Солик, валиотага оид жиноятларга ва жиноятни даромадларни легаллаштиришга қарши

механизмни яратишни имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида таъминлашга хизмат қиласди.

ПОКЛИК НИҚОБИДАГИ НОПОКЛИК

Ҳалоллик, поклик, одоб-
ахлоқ, салоқат, дәннат... Бу
сүзларни узоқ дағом этти-
риш мүмкін. Қиши шурида
ана шу түйгүлар бўлмаганда,
жамият тубанлашиб кетган
бўларни. Үлғ алломалари-
мизнинг ўтиларида, панд-
насиҳатларидаги поклик,
ҳалоллик, ахлоқ масалалари-
га катта эътибор қаратилган.

Нопоклик нима? Ҳалол
ва ҳаромнинг фарқига
бормаслик, мудом
хиёнатга ошно бўлиб юриши-
нинг оқибати нопокликни кел-
тириб чиқаради. Ўртага нопок-
лик тушдими, маънавий түй-
гулар топталади. Кайковуснинг
"Кобуснома" асаридаги ёзили-
шича, агар қиши сидидилдан
сувга оёқ кўйса, сув ҳам унинг
оёги остида қаттиқ бўлади.
Демак, ҳар бир инсон қалби-
даги поклик ва ҳалоллик мус-
таҳкам бўлса, ўша инсон чин
одамийлик меҳвари хисобла-
нади. Агар акси бўлса-чи?

Ўзбек тилининг изоҳи лу-
фатида "мулла" сўзи ўқимиш-
ли, мадраса таълимини олган,
тақвадор қиши, деб изоҳланади.
Бу сўз ўз маъноси билан
одамлар ўртасида ҳурмат,
обрў-эътибор қозона олган.
Мула — сўзи ва амали билан
бошқаларга ўрнек бўлади-
ган, диний, дунёйиб билим-
ларга эга шахс. Яхшилик ва
ёмонлик, поклик ва нопоклик,
ахлоқ ва ахлоқизликинг
фарқига борадиган, эътиқоди-
га мустаҳкам садам. Бироқ мул-
лаликини давло қилиб, ҳалол
ва ҳаромнинг фарқига бор-
майдиган кимсаларнинг қиль-
мишлари жамията юзига дод
бўлиб тушмоқда. Чироқи туманинг
Чаплаарик қишлоғида яшовчи "мулла" ва "фол-
бин" Ҳайдарали Ҳожиевни
(исм-фамилиялар ўзгаририл-
ган) ҳам ана шундай кимсалар
қаторига қўшиш мумкин.

Муқаддас китобларда зи-
нонинг оғир гуноҳ эканлиги
айтилади. Ҳатто белогон аёлга
шаҳват назарни билан боқиш
ҳам гуноҳ саналади. Никоҳнинг
муқаддаслиги ҳам аёл ва эр-
акни зино қилишдек оғир
гуноҳ ишлардаги қайтаришида-
дир. Буни ҳаммадан ҳам
кўпроқ дин пешволоси яхши
билишади. Қолаверса, кўш хоти-
нилиллик — оғрикли масала.
Негадир баъзи кимсалар хоти-
ни устига хотин олишларida
шариат ақидаларини пеш
қилишади. Муқаддас китоб-
ларда бир нафардан ортиқ
хотин олишнинг шартлари ва
сабаблари аниқ қилиб айтиб
ўтилган. Жохилият замонидаги
мунтазам урушлар туфайли
туғилишининг камайиб, жами-
ядаги ахлоқизликинг қўпайиб
кетиши ақидаларни бўлгани
билишади. Ҳайдарали Ҳожиев
(исм-фамилиялар ўзгаририл-
ган) ҳам амалдаги масалани
тасдиқлаб туради.

Одатий кунларнинг бирида
эшиқдан кириб келган Лато-
фат Самиева Ҳайдаралида
қизиқиши ўйтотди. Етти нафар
фарзанднинг отаси, катта
оиласнинг бошлиги никоҳида-
хотини борлигини бир зумда
унутди. Жувон билан сухбат
чогида унинг турмушидан аж-
ралгани, икки нафар фарзанди
борлиги, кизини "эскича"
ўқитмоқчиликни билиб олди.
"Мула" Ҳайдарали унга разм
соларкан, ичидаги шайтоний
нафс қўнглига кутқу солди.
Аёлга қўйидан келгандан ёрдам
беришини вайда қилди. Шу-
шу улар тез-тез учрашадиган
бўлишди. Ҳайдарали баъзан
Латофатга эллик-юз минг
сўмдан моддий ёрдам бери-
турди. Туғран гапки, аёл ва
эркачини хуфиёна учрашви
хиёнатга бошлади. Хиёнатнинг
охириси хосиятсизлик билан
түйгиди. Бундай учрашув
нотижасида ўрталарида илиқ
муносабатлар пайдо бўла
бошлади. Ҳар иккиси буни
ўзича мухаббат, деб тушуниш-
ди. Ҳайдарали ўзини шарнат
имлидан хабардор, деб билар-
ди. Йиғони сустлигини, ахло-
қий бузуқлигини кўрсатмаслик
учун бу муносабатларни
шаръий никоҳ билан яшироқ-

чи бўлди. Шундай қилди ҳам.
2012 йилда Ҳайдарали Лато-
фат Самиева билан шаръий
никоҳланди. Никоҳни ҳеч бир
гувоҳсиз, хуфиёна ўзи ўқиди.
Бу билан шу кунгача қилган ва
қилиши мумкин бўлган гуноҳ
ишларини ҳаспӯшламоқчи
бўлди. Үйидаги хотинининг,
фарзандларининг юзига оёқ
кўйди.

Ағусски, бугунги кунда
икки никоҳга шариат руҳат
берган, деб билувчилар аслида
шариат илмини билганила-
ридан эмас, балки пули
кўпайиб, шайтоний нағснинг
кистови билан шу ўйлун тут-
адилар. Бунинг устига бундай
никоҳлар аксарият ҳолларда
хуфифна амалга оширилади.
Зино пинҳоний амалга ошири-
ладиган ҳарракат, никоҳ эса аёл
ва эркачини турмуш қўраёт-
ганини атрофдагиларга, элга
маълум қилидиган, ФХДЭ
органларида конуний қайд
эттиладиган фуқаролик ҳолати-
дир. "Мула" Ҳайдарали бу
коиданинг яхши биларди. Аммо
унинг иккичи хотин олишига
бирашни турмуш ўрготи, оила
аъзольарининг рози бўлмасли-
ги, энг муҳими, қонун бунга
йўл қўймаслигини билгани
учун бу ишни яширишин аф-
зал билди. Қолаверса, Ўзбе-
қистон Республикаси Оила
кодексининг 13-моддасида
никоҳ фуқаролик ҳолати до-
латномаларини қайд этиш
органларида тузилиди, диний
расм-руслумларга биноан туз-
илган никоҳ ҳуқуқий аҳамият-
га эга эмас, деб қаттиқ бел-
гилаб ҳам кўйилган.

Ҳайдарали Ҳожиев Лато-
фат Самиеванинг "никоҳига"
олгач, у ер-бу ерда "нафсни
кондириб" юрди. Ҳайдарали
учун энг муҳими, бу ишлардан
бошка бирорвонинг ҳабари
бўйиги ўзи. Аммо Латофат
бундай яширин учрашувлар-
дан безий бошлади. Энди у
Ҳайдаралидан ўй олиб бери-
шини талаб қилди. Уй олиб
бермаса, ўрталарида мунос-
абатни, яни эр-хотин экан-
лигини бошқаларга ҳам мав-
лум қилишини айтиб, пўписа
қилди. Кутимаган жувон бирор
шаръий никоҳ билан яшироқ-

"Кўш хотинликнинг қулоги
тинмас", деган наклнинг ҳа-
қиқат эканлигига ишонди. Ма-
бодо, Латофат айтганини
қилса, бутун қишлоқга шар-
манда булишини ўйлаб, ундан
кутилиш ўйларини излай
бошлади. Латофат эса қистов-
ни давом эттиради.

2013 йил 21 июн. Ҳайдарали
да Латофатга қўнгирис қилиб
ущрашмоқилигини, ба-
хонада бирор жойга бориб,
бирор "дам олиш"ни, ўйл-
ўйлак ўнинг шарти бўйича
ҳам гаплашиб олишларини
айтиди. Улар Чироқи тумани-
даги марказий футбол ўйнан-
ги ёнда учрашдилар. Латофат
рози бўлиб, унинг ма-
шинасига ўтириди. Машина Як-
кабоғ тумани орқали Фузор
тумани томон ўйлоди. Йўлда
иккиси ҳам қаттиқ асабийлаш-
ди. Ҳайдарали ишнинг миси
чиқиб қолишидан қаттиқ ҳаво-
тирида эди. Латофат эса ўй
олиб бериши ҳақидаги талаби-
дан қўйтасди. Фузор туманинг
Пачкамар қишлоғига ке-
лишганида Ҳайдарали машини
нани хилватроқ жойда тўхтат-
ди. Латофатга истагини бил-
ди. Жувон эса агар шартга
қўнсанга, рози бўлишини
айтиди. Ҳайдарали ўзини гўё
аёлнинг шартига кўнгандек
қилиб кўрсатди. Атрофда ҳеч
зοғ қўринмасди. Режани
амалга оширишининг куляй
пайти эканлигини у яхши анг-
лаб туради. "Эри"нинг асл
ниятидан бехабар аёл машини
ҳам кўйилган.

Ҳайдарали Ҳожиев Лато-
фат Самиеванинг "никоҳига"
олгач, у ер-бу ерда "нафсни
кондириб" юрди. Ҳайдарали
учун энг муҳими, бу ишлардан
бошка бирорвонинг ҳабари
бўйиги ўзи. Аммо Латофат
бундай яширин учрашувлар-
дан безий бошлади. Энди у
Ҳайдаралидан ўй олиб бери-
шини талаб қилди. Уй олиб
бермаса, ўрталарида мунос-
абатни, яни эр-хотин экан-
лигини бошқаларга ҳам мав-
лум қилишини айтиб, пўписа
қилди. Кутимаган жувон бирор
шаръий никоҳ билан яшироқ-

орка ўринида мархуманинг
телефони тушив қолганини
қўрди. Ҳайдарали керак бўлиб
колар, деган ўй билан теле-
фонни олиб ўйига қайтди.

Одил ПОЁНОВ,
Чироқи туман прокурори



Оласининг ўйга қайтмагани-
нидан ҳавотирга тушган Са-
лимга туни билан уни изла-
ди. Танишлари Латофатнинг
эрталаб шифокора кўрина-
ман, деб чиқиб кетганидан
бошка нарсани билмаслик-
ларини айтишиди. Салима опаси
Ҳайдаралининг ўйига келиб-
кетишини биларди. Балки бирор нарса билар,
деган умид билан тонг отти-
ди. Эртаси куни опасини
сўраб, мулланг ўйига кел-
ди. Ҳайдарали Салимага опасининг қаерда эканлиги-
ни билмаслиги, истаса фол
очиб кўришини айтиди. Бунинг
учун Латофатнинг кийимни ва
суратини олиб келишини бую-
рди. Салима айтилган нар-
саларни олиб келиш учун
ийлуга чиққанида телефонига
опасининг рақамидан СМС
келди. Ўқиб кўрса, опаси пул
ишлаш учун Тошкентга кетга-
нини, ҳавотир олмасликларини
ёзган эди. Салиманинг қунгил-
дида ҳавотир ўйонди. Шундай
бўлса-да, Ҳайдарали сур-
раган буюлмаларни олиб
келди. У эса гўё ўзини фол
очаётгандек кўрсатиб, "Онанг
тогошларда жонсиз ётибди".
Латофат эса қистовни давом
эттиради. Етти кунда ўйга кириб
ке-лди, лекин умид килманд-
лар", деди. Салиманинг ҳаво-
тири тобора ортиб боради.
Ҳайдарали ўзини кимли-
шидан иложи борича маъмур-
ий органлар хабар топиши-
га лўй кўймаслик чоралари-
ни изларди. Фолбин айтган
муддат ўтди. Аммо Латофат
ўйга қайтмади. Шундан сўнг
Салима ичкишар бўлуми-
га хабар берди. Жиноят фош
эттилди. Ағусски, нопоклик,
ҳо-жонсиз, шайтоний нафс
туфайли бир инсоннинг умри
хазон бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза,
аёл шаънини, ор-номусини
ҳамма нарсадан устун қўйиб,
энг муҳими, қаб таң покли-
ги кўнгил ҳаловат эканлиги-
ни тушунмоғи, унга амал қил-
моги лозим. Ҳаёф, ифрат эса,
аёлнинг энг катта бойлиги
хисобланади. Ҳаёси тағайи-
ни аёл кўлларга кўтарилади,
эъзозланади, қадрланади.

Сўзимиз аввалини бежиз
поклик ва маънавий етуклик
хусусида бошламадик. Нопок-
лик, бузуқлигини товони қан-
чалар оғир бўлишини исботла-
шаша ҳожат йўқ. Оилага,
аёлга хиёнати килишининг гу-
ноҳи ҳам оғир. Ҳайдарали
Ҳожиев жиноят ишлари бўйи-
чада вилоят судининг ҳукмига
кўра, 15 йилга озодидан
маҳрум этилди. Аммо унинг
қилимиши, маънавий ва ахло-
қий бузуқлигининг тасири
имйони кишиларга иснод
бўлди. Отанинг қилимиши учун
фарзандлар ҳам бош эгиб
коплиши. Ҳулоса ўринда айти-
ши мумкин, ҳар бир инсон иш-
ки ва хаваснинг фарқига
бормоғи лозим.

